

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ
ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ
томонидан “_____” _____ 2022 йилда
_____ -ракам билан

«КАЙТА РУЙХАТГА ОЛИНГАН»

«ANDIJON SHAXAR
MARKAZIY DEXQON BOZORI» АЖ
акциядорларининг 18 июн 2022 йилдаги
навбатдаги умумий йигилиши карорига асосан

«ТАСДИКЛАНГАН»

**«ANDIJON SHAXAR
MARKAZIY DEXQON BOZORI»
АЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

УСТАВИ

(ЯНГИ ТАХРИДА)

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ти Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий-хукуқий хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI» акциядорлик жамияти (матн давомида “жамият” деб номланади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 29 мартағи 171-сонли ва 1995 йил 4 декабрдаги 448-сонли қарорлари асосида Андижон вилоят Давлат мулкини бошкариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш бошқармасининг 1996 йил 19 апрелдаги 559-сонли билан Андижон шахар Марказий дехқон бозори негизида таъсис этилган.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

- **Ўзбек тилида**
 - кирилл алифбосида - «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI» акциядорлик жамияти
 - лотин алифбосида - «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI» aksiyadorlik jamiyati
- **Рус тилида:** - акционерное общество «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI»
- **Инглиз тилида:** - «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI» stock company

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

- **Ўзбек тилида:**
 - кирилл алифбосида - «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI» АЖ
 - лотин алифбосида - «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI» AJ
- **Рус тилида:** - АО «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI»
- **Инглиз тилида:** - «ANDIJON SHAXAR MARKAZIY DEXQON BOZORI» SC

1.3. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилган.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЖОЙИ (ПОЧТА МАНЗИЛИ).

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий-номулкий хукуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ хукуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвиirlанган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирмa номи бошқа исталған тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи ва бланкаларига, ўз тимсолига эга, шунингдек бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

2.3. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва мазкур Устав талабларига амал қиласди.

2.4. Жамият акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уч иш куни ичida уларга жамиятнинг Устави, шу жумладан, Уставга киритилган ўзgartишлар ва

қўшимчалар билан танишиб чиши имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига биноан жамиятнинг амалдаги Устави нусхасини бериши шарт.

2.5. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва унинг фаолият мақсади, фойда олишдир. Жамият уз мажбуриятлари юзасидан узига тегишли барча молмулк билан жавобгар булади.

2.6. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарарларни ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

2.7. Акциялар ҳақининг тулиқ тўламаган акциядорлар жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.8. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк хуқуқи асосида тегишли бўлиб, жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кучмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.11. Жамият қонунчиликда белгиланган корхоналарни ташкил этишга ҳақлидир.

2.12. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудида филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.13. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.14. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

2.15. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, жамиятнинг кузатув кенгаши тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

2.16. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси худудида, асосий жамият фаолиятини амалга оширмайдиган маъмурий идораларини ташкил этишга ҳақли.

2.17. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида, шу жумладан холдинг асосида ҳам, ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш хуқуқига эга.

2.18. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргалиқдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.19. Жамият, тижорат операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.20. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Индекс: 170100, Ўзбекистон Республикаси, Андижон вилояти, Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 246 уй.

E-mail: omsmm1985@mail.ru, Веб сайт номи: andmarkaziydehqonbozor.uz

III. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ.

3.1. Жамиятнинг асосий мақсади минтақа халқ хўжалиги ва аҳолисини бозор қийматига бўлган эҳтиёжини ўз вақтида сифатли ва тўла қондириш, бозорнинг ҳолати ҳамда хизматлар маркетингига асосланиб хизмат қўрсатишни ривожлантириш.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг бозор муносабатларига ўтиш жараёнинин тезлаштириш орқали белгиланган тартибда фойда олиш. Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга улар омонидан ишлаб чиқарилган ёки этиштирилган озиқ-овқат, буюм, қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларнинг олди-сотди жараёнларини амалга оширишда бозордаги мавжуд воситалар билан ёрдам берган ҳолда барча шароитларни яратиш.

3.2. Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- жамият қошида хўжалик хисобида фаолият кўрсатувчи ўзининиг муҳри, тамға ва банк ҳисоб рақамига эга бўлган савдо-харид корхонасинин ташкил қилиш;
- ахолига савдо ва майший хизмат турларини кўрсатиш ва пулли хизмат кўрсатишни бажариш, шу жумладан ўзида ишлаб чикарилган маҳсулотларни эркин шартномавий нархларда сотиш;
- автотранспорт воситаларида пулли йўловчи ташиш хизматини ташкил этиш;
- шаҳар ичи, шаҳар олди ва шаҳарлараро йўналишларда автотранспорт воситаларида йўловчи ва юқ ташишни ташкил қилиш;
- автомобилларни таъмирлаш устахоналари ва ювиш жойларини ташкил этиш;
- эҳтиёт қисмларни келтириб сотиш ва таъмирлаш;
- автотранспортларни ижарага бериш ва ижарага олиш;
- автотранспорт воситаларини сотишни ташкил қилиш;
- мулкчиликнинг барча шаклидаги юридик ва жисмоний шахслар учун халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш жиҳозларини сотиб олиш, тайёрлаш ва сотишда тижорат – воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси худуддида ва хорижда тижорат дўконлари, ошхона ва каҳвахоналар очиш;
- ярмаркалар ва савдо кўргазмалари, аукционлар ва бошқа савдо шахобчаларини ташкил этиш, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, тайёрлаш ва сотиш;
- қурилиш ва таъмирлаш ишларини ташкил этиш;
- ахолига буюм молларини сотиш ва сотиб олишда барча шароитларни яратиб бериш;
- ахолига қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва чорвачилик маҳсулотларини тегишли идоралар ёрдамида сифатли, заарисиз ҳолда сотилишини назорат қилиш;
- ахоли, дехқон, фермерлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари, савдо шохобчалари ва бошқаларга қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларини сотишлари учун зарур бўлган шароитларни яратиб бериш;
- ахолига ва мулкчилик шаклидан қатъий назар қишлоқ хўжалик корхоналарига маҳсулотларини сотишда бозор кучи ва воситалари билан ёрдам бериш;
- ахолига ва мулкчилик шаклидан қатъий назар қишлоқ хўжалик корхоналари бозорга маҳсулотларини олиб келишларида, сақлашда зарур бўлган ёрдамни кўрсатиш ва бу ишларни амалга ошириш учун қабул пунктлари ва савдо-харид корхоналарини ташкил этиш, сотувчи ва харидорларга қулайликлар яратиш;
- озиқ-овқат, чорва, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатини керакли мутахассисларни жалб қилган ҳолда лаборатория назоратидан утказишни таъминлаш;
- ўзида бор маҳсулотларни ва эҳтиёж сезилган молларни бозорда сотиш учун ташвиқот қилиш, ахоли ва ишлаб чикарувчиларни жалб қилиш мақсадида фаол реклама тадбирларини таклиф этиш;
- ахолига меҳмонхона, умумий овқатланиш шохобчаларини ва саёҳат қилиш хизматларини кўрсатиш;
- амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланиш, чет эл фирмалари ва компаниялари билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатиш, кўшма корхоналар ташкил этиш;
- мулк шаклидан қатъий назар ахоли, хўжалик, фермерлар билан маҳсулотларни бозорга олиб келиб сотишга шартнома асосида олиб бориш;
- Кисқа ва узоқ муддатли маркетинг программасини ишлаб чиқиш, буюртмалар тўпламини тайёрлаш ва жойлаштириш.
- янги технологияларни, НОУ–ХАУларни ишлаб чиқариш ва жорий этиш, инновация ва маркетинг соҳасида хизмат кўрсатиш;
- биноларни, кўчмас ва кўчар мулкларни ижарага бериш;
- ташқи иқтисодий фаолияти, экспорт ва импорт операцияларини Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларида белгиланган тартибда амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига таъқиқланмаган барча бошқа фаолиятларни амалга ошириш.

Жамиятнинг маҳсус рухсат талаб этадиган (лицензия) фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.3 Жамият фаолияти учун уз ватанимиздан ва хориждан мутахассислар ёллаш шартларини, уларнинг меҳнатига ҳак тўлаш услуби, микдори ва турини мустақил белгилайди.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун жамият куйидаги ҳуқуқларига эгадир:

- қўшма фаолият шартномасига асосланиб жамият ва унинг филиаллари фаолиятига хорижий инвестицияларини жалб этиш;

- Ўзбекистон Республикаси худудида ва ундан ташқарида банк ҳисобвараглари очиш;

- белгиланган тартибда банкларда ҳисоб рақамларини, шунингдек валюта ҳисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлиш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар оркали ўз маблағларини айрибошлиш;

- ўзининг ишлаб-чиқариш ва хўжалик фаолиятини ҳамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустақил равишда ўз балансидан мол - мулк, қарз, камомад, бошқа зиёнларини чиқариш;

- жамият Уставида белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб-чиқариш техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом-ашё, материаллар, транспорт сотиб олиш;

- хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;

- қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш.

4.2. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши мумкин эмас.

4.3 Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.4 Жамиятнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик жамият бошқарув раиси томонидан белгиланади.

V. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНинг МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ёКИ КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ.

5.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар томонидан олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

5.2. Жамиятнинг устав фонди 6 183 930 000 (Олти миллиард бир юз саксон учун миллион туккиз юз уттиз минг) сўм бўлиб, номинал қиймати 500 сўмдан бўлган 12 367 678 (Ун икки миллион уч юз олтмиш етти минг олти юз етмиш саккиз) дона эгаси ёзилган оддий ҳамда 182 дона эгаси ёзилган имтиёзли, жами 12 367 860 дона хужжатсиз акцияларга бўлинган

5.3. Жамият ўзи чиқараётган акцияларни очик ёки ёпик обуна йўли билан жойлаштириши мумкин.

a) Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш

5.4. Жамиятнинг устав фонди акциялар қўшимча акцияларни жойлаштириш йули билан кўпайтирилиши мумкин.

5.5. Жамиятнинг устав фондини ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан (капитализация қилиш эвазига) Уставда кўрсатилган эълон қилинган акциялар доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва бу акцияларни барча акциядорлар ўртасида мутаносиб равишида жойлаштириш ҳамда жамият Уставига тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги карор жамиятнинг кузатув кенгаси томонидан қабул

қилинади.

5.6. Қўшимча акциялар жамият томонидан жамият Уставида белгиланган эълон килинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5.7. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

б) Жамиятнинг устав фондини камайтириш.

5.8. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.9. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга йўл қўйилади.

5.10. Агар Устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўtkазиш куни белгиланадиган жамият Устав фондининг энг кам миқдоридан қонун хужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга хақли эмас.

5.11. Устав фондини камайтириш ва жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш хақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

5.12. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.13. Устав фондини камайтириш вақтида жамият тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

5.14. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб жамият кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равища хабардор қиласи. Кредиторлар жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишини ва устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга хақли.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ ВА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН АКЦИЯЛАРИ.

6.1. Жамиятнинг акциялари оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қофозлар ҳисобланади. Акциялар мулк ҳукуқи ёки бошқа ашёвий ҳукуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахс акциянинг эгаси - жамият акциядори деб эътироф этилади.

6.2. Жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равища ҳар бирининг номинал қиймати 500 (Беш юз) сўм бўлган 20 000 000 (Йигирма миллион) дона оддий эгасининг номи ёзилган акцияларни чиқариш ва уларни жойлаштиришга хақлидир.

6.3. Жамиятнинг оддий акциялари овоз берувчи булиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳукуқини беради.

VII. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ.

7.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қофозларни обуна воситасида жойлаштиришга хақли.

7.2. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.3. Жамиятнинг акциялари хужжатсиз (нақдсиз) шаклда чиқарилади.

7.4. Жамиятнинг жойлаштирилган акциялари оддий ва имтиёзли эгасининг номи ёзилган акциялардир.

7.5. Жамият қонун хужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар чиқаришга ҳақли.

7.6. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириши қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.7. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда баҳоланадиган хукуқлар (шу жумладан ашёвий хукуқлар) воситасида амалга оширилади.

7.8. Жамиятнинг қўшимча чиқарган акцияларига ҳақ тўлаш бозор қийматида амалга оширилади. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) кўпайтирилаётганда жамиятнинг қўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек ҳақини қўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

7.9. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг, жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида, шунингдек кейинчалик қайта сотиш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўзининг жойлаштирилган акцияларини сотиб олишга ҳақлидир.

7.10. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинадиган акцияларнинг турлари, жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда сотиб олиниши белгилаб қўйилиши лозим.

7.11. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш хукуқини бермайди, овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Бундай акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

7.12. Акциялар сотиб олинадиган муддат бошланишига кечи билан 30 кун қолганда жамият муайян турдаги акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларни ҳабардор қилиши шарт ҳамда хабарномада ушбу Уставнинг 7.10. бандида кўрсатиб ўтилган маълумотлар бўлиши лозим.

7.13. Жамият томонидан акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирилган тақдирда эълон қилинган (қўшимча) акцияларнинг сони ушбу қимматли қоғозлар муомалада бўлиши муддати мобайнида айирбошлаш учун зарур микдордан кам бўлмаслиги лозим.

7.14. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган хукуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

8.1. Жамият акциядорларининг хукуқлари куйидагилардан иборат:

- жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисоб варагидан ўзига тааллукли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг Уставига мувофик жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз хукуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган заарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида заар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

8.2. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа хукуқларга ҳам эга бўладилар. Ҳар бир оддий акция эгаси ҳисобланган акциядорга бир хил хукуқларни беради.

8.3. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш хукуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендер олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш хукуқига эга.

8.4. Акцияларга бўлган хукуқлар акцияларни олувчига унинг ДЕПО ҳисоб варагига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган ДЕПО ҳисоб варагидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.5. Депозитарий билан депозитар шартнома тузган акциядор депозитарийдаги ўзининг ДЕПО ҳисоб варагида бўлган қимматли қоғозларни қонун хужжатларида белгиланган тартиб ва доирада тасарруф этиш хукуқига эга.

8.6. Акциядорлар депозитар шартнома шартларига мувофиқ ўз ДЕПО ҳисоб варагининг ҳолати ҳақида гувохнома олишга ва ўзининг ДЕПО ҳисоб вараги бўйича депозитарий томонидан ўтказилган операциялар тўғрисида ҳисбот олишга ҳақлидир.

8.7. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлаш;
- мазкур Уставда назарда тутилган чегараларда, жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсуниш;
- жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қиласли.

8.8. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

IX. ЖАМИЯТ СОФ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАР ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ.

9.1. Жамият соф фойдаси, амалда қўлланилаётган қонунга мувофиқ ҳамда солик тўловларида ажратмалардан ташкил топиб, ушбу Уставга мувофиқ, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ тақсимланади.

9.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир. Жамият акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивидендерни тўлаши шарт.

9.3. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.4. Жамиятнинг олган фойдаси оз ёки зарар кўргани ҳолатида имтиёзли акциялар бўйича дивидендер жамият захира фондидан туландади.

Жамият тугатилган тақдирда ҳар бир имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган тугатилиш қийматининг миқдори акция номинал қийматининг **2 баробарини** ташкил килади.

9.5. Оддий акциялар буйича акциядорларга тўланадиган дивидендер миқдори имтиёзли акциялар буйича бериладиган дивидендан ортиб кетган тақдирда, имтиёзли акциялар эгаларига оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивиденд миқдоридан кам бўлмаган миқдорда

тўланади.

9.6. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

9.7. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори кузатув кенгashi тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

9.8. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

9.9. Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.

9.10. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш таъкиқланади.

9.11. Дивидендлар жамият тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади.

9.12. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.13. Ўзбекистон Республикасининг норезидент акциядорлари томонидан олинган дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.14. Акциядорлар реестридан олинган, жамият томонидан тасдиқланган кўчирма ҳамда жамият бухгалтериясининг дивидендларни ёзилиш санаси ва суммаси тўғрисидаги маълумотномаси дивидендларни эркин алмаштириладиган валютага айирбошлаш учун асос булади.

9.15. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида кайд этилган акциядорлар дивиденд олиш хукуқига эга.

9.16. Жамият қўйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- устав фондини ҳаммаси тўлаб булингунча;

-агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда тўловга қобилиятсизлик (Банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;

- соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фондлари суммасидан кам бўлса ва қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

9.17. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган соликларни инобатта олган холда эълон қиласи.

X. ЖАМИЯТНИНГ ФОНДЛАРИ ВА СОФ АКТИВЛАРИ.

10.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аникланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

10.2. Жамиятнинг захира фонди қўрилган зарарни қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш хукуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

10.3. Жамият устав фондининг камидаги 15 (ўн беш) фоизи миқдорда жамият захира фонди тузилади.

10.4. Жамият захира фондига белгиланган 15 (ўн беш) фоиз миқдорга етгунига қадар

хар йили соф фойдадан 5 (беш) фоиздан кам булмаган миқдорда ажратмалар ўтказади.

10.5. Захира фонидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

10.6. Захира фонди тўлалигича ёки кисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

10.7. Жамият иноватцион фондга хар йили соф фойдадан 10 (Ун) фоиздан ажратиб боради.

10.8. Жамият иноватцион фондидаги маблаглар Узбекистон Республикасининг конунлари талабларига зид булмаган холда фойдаланиши мумкин.

10.9. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия хисоби маълумотлари бўйича, жамият активлари ва мажбуриятларининг умумий суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

XI. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ.

11.1. Жамиятни бошқариш органлари қўйидагилардан иборат:

- жамият акциядорларининг умумий йиғилиши;
- жамият кузатув кенгаши;
- жамият ижроия органи.

XII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ.

12.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

12.2. Жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичida ўтказилади.

12.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари умумий йиғилиш ҳисобланади.

12.4. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини жамиятнинг кузатув кенгаши белгилайди.

12.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қўйидагилар киради:

- жамият Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва Миноритар акциядорлар кўмитасининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;
- жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- жамият ижроия органи раҳбари, яъни жамият бошқарув раисини танлов асосида (бунда хорижий менежерларни ҳам жалб килиш ҳам мумкин) сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисботини тасдиқлаш;
- жамиятнинг “Бизнес режаси”ни тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига

кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг хисоботларини ва тафтиш комиссиясининг хulosаларини эшитиш;

-жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш түғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш түғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш түғрисида қарор қабул қилиш;

- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик түғрисида қарорни қабул қилиш;

- акцияларни ва бошка қимматли қоғозларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- жамият кузатув кенгаши аъзоларига, шунингдек, тафтиш комиссияси аъзосига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш:

- жамият томонидан йирик ва афилланган шахслари билан битимлар тузиш түғрисида қарор қабул қилиш (жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс киймати бундай битимларни тузиш түғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этувчи йирик битимлар тузиш, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараённада тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно);

- амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, кўйидаги масалалар бундан мустасно:

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

- акцияларни ва бошка қимматли қоғозларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш түғрисида қарор қабул қилиш;

- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш түғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш түғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият ижроия органини тузиш;

- жамият ижроия органи аъзоларини ишга ёллаш түғрисида меҳнат шартномаси тузиш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- ижроия органига тўланадиган ойлик иш ҳақи миқдорларини белгилаш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

12.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

12.8. Мазкур Уставнинг 12.6-бандидаги қўйидаги масалалари бўйича:

- жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳирдаги уставини тасдиқлаш;

- жамиятни қайта ташкил этиш;

- жамият бошқарув раисини сайлаш ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;

- жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш;
- битим тузиш тўғрисида қарор қабул килинаётган санада жамият соф активлари баланс қийматининг 50 (эллик) фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида жамият томонидан йирик ва афилланган шахслари билан битимлар тузиш - акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул килинади.

12.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори, агар Қонун хужжатларида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади.

12.10. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

12.11. Овоз бериш якуnlари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якуnlари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

12.12. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқукига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан З иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

12.13. Акциядорнинг талабига биноан жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

12.14. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай колган шахсларнинг бузилган хуқуклари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун хужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

12.15. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камидан етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Жамият давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камидан етти кун олдин ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

12.16. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- жамият акциядорларининг реестри шакллантирилдиган сана;
- умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йиғилиши ўтказишга тайёргарлик қўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни ва давлат вакилини таништириш тартиби.

12.17. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик қўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисботи, жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан жамият тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, жамият кузатув кенгашининг бошқарув раиси билан тузилган шартноманинг амал қилиш мuddатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хulosаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгashi ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамиятнинг Уставига киритиладиган

ўзгартиш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки жамиятнинг янги таҳирдаги Устави лойиҳаси киради.

12.18. Жамият акциядорга билдиришномани мустақил равища ёхуд жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси уртасида тегиши хизматлар кўрсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

12.19. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси булиб камидা бир фоизига эга бўлган жамият акциядорлари (акциядори) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 30 кун ичida акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва жамият тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

12.20. Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгаришлар киритишга ҳақли.

12.21. Акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини курсатган ҳолда ёзма равища киритилади.

12.22. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар курсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми-шарифи, башарти номзод жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми-шарифи, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

12.23. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, турли "масалалар", «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва хоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

12.24. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 кундан кам ва 30 кундан кўп белгиланиши мумкин эмас.

12.25. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши жамият кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, жамият тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камидা 5(беш) фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

12.26. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш хақидаги талаб тақдим этилган пайтдан эътиборан узоғи билан 30 кун ичida амалга оширади.

12.27. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилемоғи лозим.

12.28. Жамият кузатув кенгаши жамият тафтиш комиссиясининг ёки жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камидা беш фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгаришлар киритишга ҳақли эмас.

12.29. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиккан тақдирда бу талабда умумий йиғилишни чакиришни талаб килаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури курсатилган булиши лозим.

12.30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш талабномаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакиришни талаб

қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

12.31. Жамият тафтиш комиссияси ёки жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари умумий йиғилишни чакириш тўғрисида талабнома тақдим этган санадан бошлаб 10 кун ичida жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чакириш тўғрисида ёки йиғилишни чакиришни рад этиш хақида қарор қабул килади.

12.32. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

12.33. Акциядорларнинг умумий йиғилишда иштирок этиш хукуки шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Давлат вакилининг акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хукуки шахсан унинг ўзи томонидан амалга оширилади.

12.34. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вактда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга хақлидир.

12.35. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш куради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил килинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, тураг жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган булиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган булиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома шу юридик шахс раҳбарининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган холда берилади.

12.36. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этувчиларни руйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Жамиятнинг таркатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) руйхатдан утган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

12.37. Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон килинади. Акциядорларнинг янги умумий йиғилишини ўтказишида кун тартибига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

12.38. Ўтказилмай колган йиғилиш урнига акциядорларнинг янги чакирилган умумий йиғилишида иштирок этувчиларни руйхатга олиш тугаган пайтга келиб, жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 40 (қирк) фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) руйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

12.39. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга қўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай колган умумий йиғилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аникланади.

12.40. Акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш, овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш бюллетени Умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

12.41. Акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 10 кун ичida икки нусхада тузилади. Хар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик килувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

XIII. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ.

13.1. Жамият кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига таалуқли масалалар бундан

мустасно.

13.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устивор йўналишларини белгилаш;
 - жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган холлар бундан мустасно;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибини тайёрлаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
 - акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши хақида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
 - мазкур Уставнинг 12.6 бандида назарда тутилган тегишли масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг умумий йиғилишига киритиш;
 - жамиятнинг устав фондини ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан (капитализация қилиш эвазига) Уставда кўрсатилган эълон қилинган акциялар доирасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш ва жамият Уставига ушбу билан боғлиқ тегишли ўзгартиришлар киритиш;
 - эмиссиявий қимматли коғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
 - жамият ижроия органини тузиш, ижроия органи раҳбарини сайлаш(тайинлаш), ишга ёллаш тугрисида меҳнат шартномасини тузиш, узайтириш ва муддатидан илгари тўхтатиши, жамият раҳбарини тайинлаш тугрисидаги карор, хорижий менеджерлар ҳам иштирок этиши мумкин булган танлов асосида қабул қилинади;
 - жамият ижроия органи аъзолари билан ишга ёллаш тугрисида меҳнат шартномаси тузиш ва уларни ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиши;
 - ижроия органи лавозимларига чет эллик юқори малакали менеджерларни жалб қилиш;
 - ижроия органига тўланадиган ойлик иш ҳақи миқдорларини белгилаш;
 - жамият ижроия органи аъзоларини ижтимоий химоя қилиш мақсадида уй жой ва зарурий эҳтиёж бўлган мулкларни сотиб олиш учун, уларга қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдамлар кўрсатиши мумкин.
 - корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, унинг ойлик маошини белгилаш ва иш фаолияти назорат қилиш;
 - узоқ муддатли истиқболда жамиятни ривожлантириш стратегияси ва вазифаларини белгилаш ва уларни тасдиқлаш;
 - жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш.
- Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгashi мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- зарурат туғилганда жамият йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
 - жамиятнинг холатидан келиб чишиб, жамиятнинг ташкилий тузилмасини белгилаш ва унга тегишли ўзгартиришлар киритиш;
 - жамиятнинг бошқарув ходимларига хорижий мутахассисларни жорий қилиш;
 - ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чорақда унинг ҳисботларини эшитиб бориш;
 - жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгashi зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгashi ва унинг аъзолари томонидан олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
 - ҳалқаро аудит стандартлари қамда ҳалқаро молиявий ҳисбот стандартлари асосида жамиятда аудиторлик текширувни ўтказиш маҳсус ҳуқуқига эга аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;
 - жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бориш;
 - дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бориш;
 - жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан эркин фойдаланиш;
 - жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг ўзъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;
 - ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик ва афилланган шахслар билан битимлар (умумий қиймати қарор қабул килинган санада жамият соф активларининг ўн беш фоизидан эллик фоизгача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлиқ бир канча битимлар) тузиш (қарор жамият кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, бунда кузатув кенгашидан чиқиб кетган аъзоларнинг овози инобатга олинмайди, йирик битим тузиш масаласида жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган холларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала жамият кузатув кенгаши қарорига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши хукмига хавола этилиши мумкин);
 - жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;
 - жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш.
 - акцияларни жойлаштириш (қимматли қофозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;
 - жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
 - қимматли қофозларнинг хосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига мавжуд Қонунга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киради.
- 13.3. Жамият кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу Устав ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқданган “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.
- 13.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият коллегиал ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.
- 13.5. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатта сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони **5** (беш) кишидан иборат бўлади.
- 13.6. Кузатув кенгаши аъзолари уч (3) йил муддатта сайланади. Жамиятнинг умумий йиғилиш қарорига кўра Кузатув кенгаши ваколати муддатидан олдин тўхтатилиши мумкун. Кузатув кенгаши чегараланмаган миқдорда қайта сайланиси мумкун.
- 13.7. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланислари чекланмайди.
- 13.8. Жамият ижроия органининг аъзолари жамият кузатув кенгашига сайланислари, тайинланислари мумкин эмас.
- 13.9. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамият кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.
- 13.10. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан куйиладиган талаблар акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган “Жамият кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомида белгилаб қўйилади.
- 13.11. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.
- 13.12. Кумулятив овоз беришда хар бир акциядорга тегишли овозлар сони жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиси лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тулиқ, беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга хақлидир.
- 13.13. Давлат вакили лавозимига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).
- 13.14. Энг кўп овоз туплаган номзодлар жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.
- 13.15. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан жамият кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан

кўпчилик овоз билан сайланади.

13.16. Жамият кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

13.17. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорларнинг умумий йиғилишларида раислик килади.

13.18. Жамият кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажарип туради.

13.19. Жамият кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари кузатув кенгаши раисининг ташабbusи билан ёки қуидагилар талабига кўра чақирилади:

- кузатув кенгаши аъзоларининг;
- тафтиш комиссиясининг;
- жамият ижроия органининг;
- амалдаги қонунчилика ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

13.20. Жамият кузатув кенгашининг мажлисиňи ўтказиш учун кворум жамият кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам бўлмаслиги керак. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда хозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул килинади. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng бўлган ҳолда, жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

13.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда хозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул килинган қарорлар.

13.22. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

XIV. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ.

14.1. Жамият ижроия органи жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, жамият Устави, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

14.2. Жамият ижроия органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашига ҳисобот беради.

14.3. Жамият ижроия органи раҳбари жамиятнинг Бошқарув раиси ҳисобланади. Жамият бошқарув раиси Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан танлов асосида (бунда хорижий менежерларни хам жалб килиш мумкин) сайланади. Бошқарув раисини ишга ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини жамият номидан жамият кузатув кенгаши раиси имзолайди.

14.4. Жамиятнинг Ижро органи таъсисчиларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга тайинланади ва шартнома тузилади. Шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул килинади.

14.5. Ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

14.6. Жамият ишчи-ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун хужжатларига

мувофиқ жамият Бошқарув раиси билан меҳнат шартномаси тузадилар.

14.7. Жамият ижроия органининг ваколатларирига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорларнинг умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларирига ёки жамият кузатув кенгашининг ваколатларирига киритилган масалалар бундан мустасно.

14.8. Жамият ижроия органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

14.9. Жамият ижроия органи жамият Устави ва жамиятнинг “Жамият ижроия органи тўғрисида” ги Низоми асосида иш олиб боради.

14.10. Жамият ижроия органинг ваколатларирига қўйидагилар киради:

- Устав ва жамият кузатув кенгashi томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилади;

- жамият кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;

- жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулкчилик шаклларидағи корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини химоя килади;

- жамият номидан битимлар тузади;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди;

- штатларни белгилайди, жамият ходимларини ишга қабул килади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;

- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

- жамиятнинг ички меъёрий хужжатларини тасдиқлайди;

- жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали харакатини таъминлайди;

- жамият кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат килади;

- жамиятнинг фаолиятида қонун хужжатлари талабларирига риоя қилинишини таъминлайди;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботининг ташкил этилиши, зарур холати ва ишончлилигини, йиллик ҳисботлар ва бошқа молиявий ҳисботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни жамиятнинг кузатув кенгashi, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;

- жамият ҳисботларини тегишли давлат органлariга тулик ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлайди, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати жамият Бошқарув раиси томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;

- жамият ишчи ходимларини ижтимоий химоя қилиш мақсадида уй жой ва зарурий эҳтиёж бўлган мулкларни сотиб олиш учун, уларга қайтариб бериш шарти билан молиявий ёрдамлар кўрсатиш;

- жамият бизнес режасида белгиланган хомийлик маблағлари доирасида 15 млн. сўмгача бўлган хомийликларни мустақил амалга ошириш;

- жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- жамият ходимларининг ижтиомий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлайди;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг холати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва жамият кузатув кенгашига белгиланган муддатда такдим этади;
- жамият акциядорларининг умумий йиғилишида катнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча хукуқларига риоя қиласди;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва бошқа қонун ости хужжатларига ҳамда жамият ички хужжатларига риоя қиласди.

14.11. Жамият ижроия органи ўз хукуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

14.12. Жамият ижроия органи қонун хужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

XV. ЖАМИЯТНИНГ МИНОРИТАР АКЦИЯДОРЛАРИ ҚЎМИТАСИ

15.1. Миноритар акциядорларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.

15.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар жамиятга жамият кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.

15.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳозир бўлган ва жамият кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йиғилишида кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

15.4. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибиغا жамиятнинг бошқарув раиси, бошқарув аъзолари, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчиси этиб) сайланган шахслар кириши мумкин эмас.

15.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига куйидагилар киради:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамиятнинг кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;

- миноритар акциядорларнинг ўз хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлик мурожаатларини кўриб чиқиши;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиш;

- қонун хужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиши.

15.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг микдор таркибига сайланган шахсларнинг камида тўртдан уч қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

15.7. Миноритар акциядорлар қўмитаси аъзоларининг сони 5(беш) кишидан иборат килиб белгиланади.

15.8. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисбот беради.

15.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси ушбу қўмита таркибидан миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан кўпчилик овоз билан сайланади.

15.10. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича жамиятнинг хужжатларидан фойдаланиш хукуқига эга.

15.11. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.

15.12. Миноритар акциядорлар қўмитаси жамиятнинг хўжалик фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

15.13. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига жамият кузатув кенгашининг ёки ижроия органининг аралашувига йўл қўйилмайди.

XVI. ЖАМИЯТНИНГ АФФИЛАНГАН ШАХСЛАРИ.

16.1. Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар мазкур жамиятга нисбатан аффилланган шахслар деб эътироф этилади.

16.2. Кўйидагилар жамиятнинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

- ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига эгалик қилувчи юридик шахс;

- ушбу жамиятнинг йигирма фоиз ва ундан ортиқ фоиз акцияларига яқин қариндошлари билан биргаликда эгалик қилувчи жисмоний шахс;

- ушбу жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият Бошқарув раисининг ёхуд жамият ижроия органи аъзосининг ваколатларини амалга ошираётган шахс;

- ушбу жамият қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

- ушбу жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган ёки ушбу жамият қайси жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлса, ўша жамиятнинг шўъба хўжалик жамияти бўлган юридик шахс;

- ушбу жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи айни бир шахс қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

- ушбу жамият кузатув кенгашининг камидаги учдан бир қисмини ташкил этувчи айни бир шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг камидаги учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

- ушбу жамиятнинг Бошқарув раиси ёхуд жамият ижроия органи аъзоси бўлган айни бир шахс ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс ижроия органининг раҳбари вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

- яқин қариндошлари билан биргаликда ушбу жамият кузатув кенгашининг камидаги учдан бир қисмини ташкил этувчи шахс қайси юридик шахс раҳбарининг ёки ижроия органи аъзосининг вазифасини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс;

- ушбу жамиятнинг Бошқарув раиси ёки жамият ижроия органининг ваколатларини амалга ошираётган шахс яқин қариндошлари билан биргаликда қайси юридик шахс жамият кузатув кенгашининг камидаги учдан бир қисмини ташкил этса, ўша юридик шахс;

- ушбу жамият билан битта хўжалик бирлашмасига кирувчи юридик шахс.

16.3. Кўйидагилар жамиятнинг аффилланган шахси бўлган акциядор - жисмоний шахснинг аффилланган шахслари деб эътироф этилади:

- ушбу жисмоний шахс ва (ёки) унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахс;

- ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахс кузатув кенгашининг аъзоси бўлса, ўша юридик шахс;

- ушбу акциядор ёки унинг яқин қариндошлари қайси юридик шахсда ижроия органининг аъзоси ваколатларини амалга ошираётган бўлса, ўша юридик шахс.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1, 2, 4, 6-бандлари ва учинчи қисмининг 1-банди ишончли бошқарувчи ёки акциядорнинг вакили сифатида иш юритаётган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

16.4. Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборот, шу жумладан аффилланган шахсларнинг ёзма билдиришлари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ таърифлари ҳамда қарор қабул қилган шахслар тўғрисидаги маълумотлар жамият йиллик ҳисоботининг бир қисми бўлади.

XVII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

17.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши 1 (бир) кишидан иборат тафтиш комиссиясини сайлайди.

17.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав билан белгиланади.

17.3. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб куйилади.

17.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси булиб камидা беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади.

17.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамият ижроия органи аъзолари ва бошқа мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

17.6. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликка мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чакирилишини талаб қилишга хақли.

17.7. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вактнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси, жамият ижроия органи аъзолиги ва бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

б) Ички аудит хизмати.

17.8. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш ҳақи миқдорининг 100000 (Бир юз минг) баробаридан кўп бўлса жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

17.9. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун хужжатларига, таъсис хужжатлари ва бошқа хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қиласи ҳамда баҳолайди.

17.10. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофик амалга оширади.

в) Ташқи Аудиторлик ташкилоти.

17.11. Ташқи аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун хужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

17.12. Ташқи аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисботи ва молияга доир бошқа ахборотлар хақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар булади.

XVIII. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ. ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ.

18.1. Жамият қонун хужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисбини юритиши ва молиявий ҳисббот тақдим этиши шарт.

18.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишонччилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисббот ва бошқа молиявий ҳисбботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

18.3. Жамиятнинг молиявий ҳисбботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисбботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва заарлар ҳисбварағидаги маълумотларнинг ишонччилиги мулкий манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

18.4. Жамиятнинг йиллик ҳисботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

18.5. Жамият:

- жамиятнинг Уставини, Уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

- жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган хуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият кузатув кенгаши ва ижроия органи томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

- жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

- жамиятнинг йиллик ҳисботини;

- эмиссиявий қимматли қоғозларни чикариш тўғрисидаги қарорларни;

- акциялар эмиссияси рисоласини;

- бухгалтерия ҳисбига доир ҳужжатларни;

- тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисбботларни;

- жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва ижроия органи мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият бошқарув раисининг буйрукларини;

- жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

- жамият акциядорларининг реестрларини;

- жамият тафтиш комиссиясининг (тафтищчисининг), аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисбботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонун ҳужжатларига ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

Жамият акциядорнинг ёзма талабига кўра унга Қонунда назарда тутилган ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини ҳақ эвазига тақдим этиши шарт. Ҳақ миқдори жамият томонидан белгиланади ҳамда ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тайёрлаш харажатларининг қийматидан ва ҳужжатларни почта орқали жўнатиш билан боғлиқ харажатлардан ортиб кетмаслиги керак.

Жамият сўralаётган ҳужжатларни акциядорга электрон шаклда тақдим қилишга ҳақли.

Акциядорлар жамият ёки унинг фаолияти тўғрисидаги хизмат, тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ошкор қилишга ҳақли эмас.

XIX . ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ.

19.1. Жамиятда кузатув кенгаши томонидан унга ҳисбдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозими жорий этилади.

19.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан назорат қилинади.

19.3. Жамият корпоратив маслаҳатчисига бериладиган тўлов ва компенсациялар жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

XX. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ.

20.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

20.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Конунига ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

20.3. Конун хужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ваколатли давлат органларининг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин.

20.4. Янги тузилган юридик шахслар давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан жамиятни қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бирлаштириш тарзида қайта ташкил этиш бундан мустасно.

20.5. Жамиятнинг тугатилиши хуқуқ ва мажбуриятларни хуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

**«ANDIJON SHAXAR
MARKAZIY DEXQON BOZORI» AJ
бошкарув раиси:**

М.Умаров